

SCIENCE
PROBLEMS.UZ

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

№ 8 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/SCP1342V3I8Y2023

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 8 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакарров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодири Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Тахририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: scienceproblems.uz@gmail.com
Телеграм канал: https://t.me/scienceproblems_uz

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Воҳидова Комила Абдуллозизовна*
“ЭЛ БАЙРОҒИ” ГАЗЕТАСИ ҲАҚИДА 11-17
- Сулайманов Саламат Арепбаевич*
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МУХТОР ВИЛОЯТИДА ҚУРУҚЛИК ВА СУВ ТРАНСПОРТИ: МУАММО
ВА ЕЧИМЛАР (1924-1932 ЙЙ) 18-24
- Раунов Холмамат*
ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА УРАН КОНЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ТАРИХИ 25-32
- Мажидов Анвар Сиражович*
ИМПЕРИЯ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИНИНГ ТУРКИСТОН ТУБ ХАЛҚЛАРИНИНГ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ФУҚАРОЛИК АҲВОЛИГА ТАЪСИРИ (СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ
МИСОЛИДА) 33-40
- Begatova Nasiba Xolmurzayevna*
FERMER HO‘JALIKLARI VA KLASSTER TIZIMI UCHUN O‘RTA MA‘LUMOTLI MUTAXASSISLARNI
TAYYORLASH TIZIMIDAGI YUTUQLAR VA MUAMMOLAR (SURXONDARYO VILOYATI
MISOLIDA) 41-48
- Алланазаров Мурот Мирзаевич*
БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ НОЗИРЛАР ШЎРОСИ ВА МИЛЛИЙ РАҲБАР
ХОДИМЛАР ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА 49-54
- Ismoilova Feruza Ibragimovna*
URUSH YILLARIDA XOTIN-QIZLARNING ILM-FAN VA MADANIYAT SOHALARIDAGI
XIZMATLARI 55-59
- Tursunov Xurshid Nasriddinovich*
O‘ZBEKISTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIXCHI KADRLAR TAYYORLASH SOHASI
HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI 60-64

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Yuldosheva Gulnoza Abdinabiyevna*
THE ROLE OF THE DIGITAL ECONOMY IN MODELING THE FINANCIAL ACTIVITIES OF
ENTERPRISES 65-70
- Oromidinov Muzaffar Pardabayevich*
DIRECTIONS FOR IMPROVING INTERNAL AUDIT IN COMMERCIAL BANKS 71-75
- Худайназарова Дилором Хайруллаевна*
ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДАГИ
РИСКЛАРИНИ СТРАТЕГИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ 76-84

<i>To'lov Ulug'bek Toshmamatovich, Jo'rayev Sirojiddin Muxiddin o'g'li</i> KO'CHMAS MULKNI SOLIQQA TORTISHDA XORIJIY DAVLATLARDA AMALGA OSHIRILGAN ISLOHOTLAR	85-92
<i>Xudayberganov Dilshod Tuxtabayevich</i> MINTAQADA XIZMAT TURLARIDAN SAMARALI RIVOJLANTIRISH YO'NALISHLARI	93-98
<i>Turobov Sherzod Alisherovich</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA UY XO'JALIKLARI TADBIRKORLIGINI RIVOJLANTIRISHDA DAVLAT SIYOSATI	99-105
<i>Шамсиев Нодир Муратович</i> МЕТОДЫ ОЦЕНКИ ПОКАЗАТЕЛЕЙ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ ПРИ АНАЛИЗЕ РЕЙТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ИХ КАЧЕСТВЕННОЕ ОПИСАНИЕ	106-110
<i>Zaripova Moxira Zarip qizi</i> AGRAR SOHAGA XORIJIY INVESTITSİYALARNI JALB QILISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH IMKONIYATLARI	111-114
<i>Узайдуллаев Шерзод Шукуруллаевич</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОМИЛЛАРИ	115-121
<i>Atabayeva Karomat Rajabovna, Rajabova Maftuna Farhod qizi</i> O'ZBEKISTONDA TURIZM SOHASINING RIVOJLANISHI VA TAHLILI	122-127
<i>Жумаева Мухлиса Абдуғани қизи</i> МАМЛАКАТДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	128-137
<i>Камалов Акмал Сайдакбарович, Саматов Ғаффор Аллақулович</i> ГЕОИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ШАРОИТИДА ТРАНСПОРТ ЛОЙИХАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА БЎЛГАН ЁНДАШУВЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ	138-150
<i>Мамадиёров Олимжон Умарович</i> ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШ НАЗАРИЯЛАРИ ЭВОЛЮЦИЯСИ.....	151-158
<i>Раббимов Жахонгир Эшбоевич</i> ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ОПЕРАЦИОН РИСКЛАРНИНГ МОҲИЯТИ, УЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ	159-164
<i>Кулибоев Азамат Шоназарович</i> ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ	165-174

Гадоев Сўҳроб Жумакулович
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТИНИНГ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
ЙЎЛЛАРИ 175-181

Бекжанов Дилмурод Йўлдашович
ЭМПИРИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ТУРИСТИК ДЕСТИНАЦИОН
МЕНЕЖМЕНТ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ 182-193

09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

Boydadayev Abdurroхмон Tolibjon o'g'li
SHARQ VA G'ARB IRRATSIONAL FALSAFASIDA PANTEISTIK QARASHLARNING QIYOSIY
TAHLILI (J.RUMIY VA F.NITSSHE FALSAFASI MISOLIDA) 194-200

Xayridinov Abbosxon Anvarovich
GLOBALLASHUV JARAYONIDA MA'NAVIY MA'RIFIY INQIROZLARNING OLDINI OLISHDA
MARKAZIY OSIYO QADRIYATLARINI YUKSALTIRISH ISTIQBOLLARI 201-205

Quramboyev Alisher Maxsudovich
TEMURIYLAR DAVRIDA IJTIMOY ADOLAT TAMOYILLARINING AMAL QILISHI 206-211

Jo'rayev Alisher Tulqinboyevich
JAMIYAT MILLIY ASOSLARINI MUSTAHKAMLASH – DAVLATNING USTUVOR
MAQSADI..... 212-217

Turabova Sevara Kattaqulovna
ILMIY VAHS FENOMENINING MANTIQUIY- GNOSEOLOGIK MAQOMINI O'RGANISHDA
KONSEPTUAL-METODOLOGIK YONDOSHUV 218-224

Пардаева Марҳабо Давлатовна
АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИДА ИЛМГА ОИД ҚАРАШЛАРИНИНГ НАҚШБАНДИЯ
ҲОЯЛАРИ БИЛАН УЙҒУНЛИГИ 225-233

Qutlimuratov Sardorbek Rustamovich
NIKON MUNOSABATLARINING TADRIJIY RIVOJLANISHI 234-240

Tursunkulova Shaxnoza Tuychiyevna
DINIY MANBALARDA GO'ZALLIK TO'G'RISIDAGI FALSAFIY QARASHLAR 241-246

Юсупова Феруза Зойировна
АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ – ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИНING МЕЗОНИ 247-251

Teshaboev Muhiddin Marifovich
IJTIMOIY ADOLATNI TA'MINLASHNING PRINSIPIAL MASALALARI 252-257

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<i>Soatova Nodira Isomitdinovna</i> LIRO-EPIK ASARLARDA POETIK FIKRNING BADIY IFODASI	258-265
<i>Narmuratov Zayniddin Radjabovich</i> FRAZEOLOGIK BIRLIKLAR LINGVOMADANIY BIRLIK SIFATIDA	266-269
<i>Yusupova Omina Muhammadzoir kizi</i> DIFFERENT CLASSIFICATION OF FAIRYTALE DISCOURSE IN WORLD AND UZBEK FOLKLORE	270-276
<i>Бозорова Хулкар Одинакуловна</i> РУССКИЙ ЯЗЫК КАК СОСТАВЛЯЮЩАЯ СОДЕРЖАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ	277-282
<i>Matyakubov Oybek Quralbayevich</i> KOGNITIV TILSHUNOSLIKDA «KONSEPT» TUSHUNCHASI	283-288
<i>Фатуллаева Камола Рахматуллаевна</i> ТЕРМИНЛАРНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ	289-293
<i>Karimjonova Shahlo Ravshanjonovna</i> O'ZBEK TILIDA KAUZATIV FE'LLARNING YASALISH USULLARI	294-299
<i>Xamzayev Otaxon Erkinovich</i> INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA KASB-HUNARGA OIDMAQOLLARNING CHOG'ISHTIRMA Tahlili	300-305

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Абдурахманова Нодирахон</i> ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ СМАРТ-КОНТРАКТОВ В СНГ	306-310
<i>Сафоева Садокат Мусоевна</i> ЭКОСИСТЕМА СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЕЙ: ИССЛЕДОВАНИЕ РОЛЕЙ ЗАИНТЕРЕСОВАННЫХ СТОРОН В КОНТЕКСТЕ ГРАЖДАНСКОГО ПРАВА	311-320
<i>Абдуллаева Маликабону Эркин қизи</i> ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИНИНГ ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ	321-330

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Zoirova Lola Xamidovna</i> TIBBIYOT OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA "INSON ORGANIZMINING RADIATSIYAGA SEZGIRLIGI" MAVZUSINI O'QITISHDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN	
---	--

FOYDALANISH	331-336
<i>Ibragimov A'lamjon Amrilloevich</i> KOGNITIV SIFATLARNING UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANISHGA TA'SIRI (MAKTAB PEDAGOG XODIMLARI MISOLIDA)	337-343
<i>Madaminov Azimbek Egamberganovich, Xalillayev O'ktam Sobir o'g'li</i> YOSH GANDBOLCHI DARVOZABONLARNI O'YIN TEXNIKASIGA O'RGATISH	344-349
<i>Fayzullaeva Madina Abdumumin kizi</i> ANALYSIS OF THE POSITIVE IMPACT OF DIGITAL TECHNOLOGIES ON THE MOTIVATION AND KNOWLEDGE OF STUDENTS IN THE DEVELOPMENT OF THE EDUCATIONAL PROCESS	350-355
<i>Джумаева Хулкархан Мухаммаджонова</i> ВНУТРЕННИЕ УГРОЗЫ, НЕГАТИВНО ВЛИЯЮЩИЕ НА ДУХОВНОСТЬ СТУДЕНТОВ..	356-361
<i>Islomova Madina Asqarovna</i> INTEGRATSIYALASHGAN SUN'IY INTELLEKT TOMONIDAN YARATILGAN CHATGPT BOT YORDAMIDA NEMIS TILI O'QITISHNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH	362-368
<i>Raxmatova Mexrinov Majitovna</i> YOSHLAR MA'NAVIY SALOHİYATINI O'RGANISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI	369-373
<i>Абдукаюмова Наргиза Райимовна</i> ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ШАРТЛАРИ	374-384
<i>Norboyev Farxod Chorshanbiyevich</i> KREATIVLIK VA INNOVATSIYA BORASIDA ZAMONAVIY NAZARIYALAR	385-390
<i>Borasheva Aybolgan</i> EXPLORING JAMES MCCROSKEY'S RESEARCH ON WILLINGNESS TO COMMUNICATE IN L1 CONTEXTS: IMPLICATIONS FOR LANGUAGE TEACHING AND LEARNING	391-398
<i>Fayzullayeva Gulchexra Sharipboyevna</i> KOGNITIV TADQIQOTLARNING FANLARARO TUSHUNCHA SIFATIDAGI MOHIYATI VA MANTIQUIY TAHLILI	399-409
<i>Boboraximov Sanjar Malikjanovich</i> MAKTABDA O'QUVCHILARNI JISMONIY TARBIYALASHNING ZARURATI VA UNGA QO'YILADIGAN TALABLAR	410-414
<i>Salimova Shahlo Sayfulloyevna</i> XAVFSIZ TA'LIM MUHITI MONITORINGINING AHAMIYATI	415-421

<i>Sayfiddinova Jamila Ziyodulla qizi</i> METHODOLOGY FOR THE DEVELOPMENT OF LOGICAL REASONING IN PRIMARY SCHOOL PUPILS	422-427
<i>Xamroyev Samijon Salimovich</i> SPORT TO‘GARAKLARI ORQALI TALABALARNING JISMONIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH KOMPONENTLARI	428-433
<i>Kattaeva Feruza Shakirovna</i> DEVELOPING STUDENTS SOCIO-CULTURAL COMPETENCE BY USING SOCIO CULTURAL DISCOURSE ANALYSIS METHOD	434-441
<i>G‘ofurov Azizbek Umarjonovich</i> BO‘LAJAK JISMONIY TARBIYA FANI O‘QITUVCHILARINI TAYYORLASH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH	442-447
<i>Abduraximova Umida Shuxratovna</i> BO‘LAJAK TARJIMONLARNING LINGVOMADANIY VA KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI	448-454
<i>Obidova Gulmira Kuzibaevna</i> INGLIZ TILINI O‘RGANISH JARAYONIDA TEXNIKA TA‘LIM YO‘NALISHI TALABALARIDA EKOLOGIK MADANIYAT ASOSLARINI SHAKLLANTIRISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEKNOLOGIYALAR VA INTERAKTIV METODLAR	455-460
<i>Axmadaliyeva Xosiyatposhsho Abduxayotovna</i> PROFESSINAL TA‘LIM YO‘NALISHLARIDA TAHSIL OLAYOTGAN O‘QUVCHILARNING INGLIZ TILIDAN KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYASINI AUTENTIK MATERIALLAR ORQALI TAKOMILLASHTIRISH	461-469

08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари

Жумаева Мухлиса Абдуғани қизи

Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти
e-mail: muxlisa.rahmatova.88@mail.ru

МАМЛАКАТДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда мавжуд аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг амалдаги ҳолати ва ишлаш механизми ўрганилиб, мавжуд муаммолар санаб ўтилган. Таҳлиллар натижасида мазкур механизмни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Бунда ўзини ўзи тартибга солиш тизимига алоҳида урғу берилган ва унинг аҳамияти, шунингдек амал қилиш тамойиллари, мавжуд ресурслари, қўлланиладиган услублар ва дастаклари каби таркибий элементларига батафсил тўхталиб ўтилган ва қиёсий таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Аёллар тадбиркорлиги, давлат тартибга солиши, ўз-ўзини тартибга солиш (ЎТС), тамойиллар, ресурслар, услублар, дастаклар.

Djumaeva Mukhlisa Abduganiyevna

PhD student of Tashkent State University of Economics

IMPROVEMENT OF THE MECHANISM FOR THE DEVELOPMENT OF WOMEN'S ENTREPRENEURSHIP IN THE COUNTRY

Abstract. The article discusses the current state and the working mechanism for the development and support of women's entrepreneurship in Uzbekistan, and also lists the existing problems. As a result of the analysis, proposals and recommendations for improving this mechanism were developed. At the same time, special attention is paid to the system of self-regulation and its importance, as well as its structural elements, such as principles of implementation, available resources, applied methods and instruments, are discussed and compared in detail.

Key words: Women's entrepreneurship, state regulation, self-regulation, principles, resources, methods, instruments.

Джумаева Мухлиса Абдуганиевна

Докторант Ташкентского государственного
экономического университета

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМА РАЗВИТИЯ ЖЕНСКОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В СТРАНЕ

Аннотация. В статье рассматривается современное состояние и работающий механизм развития и поддержки женского предпринимательства в Узбекистане, а также перечисляются существующие проблемы. В результате анализа были выработаны предложения и рекомендации по совершенствованию данного механизма. При этом особое внимание уделяется системе саморегулирования и ее важности, а

также ее структурным элементом, таким как принципы реализации, доступные ресурсы, применяемые методы и рычаги, подробно обсуждаются и сравниваются.

Ключевые слова: Женское предпринимательство, государственное регулирование, саморегулирование, принципы, ресурсы, методы, рычаги.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I8Y2023N19>

Кириш. Ўзбекистонда иқтисодий ривожлантиришга қаратилган бир қанча дастурлар ва чора-тадбирлар доирасида аҳоли фаровонлигини таъминлаш, уларнинг даромадларини ошириш, иқтисодий ўсишни таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришда тобора муҳим ўрин тутаятган тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинади. Жумладан, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш масаласи 07.03.2019 йилдаги ПҚ-4235-сонли “Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва тадбиркорликни ишончли химоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4725-сонли Фармони, 07.03.2022 даги ПФ-87-сонли “Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топиб келмоқда. Мамлакатда хотин-қизлар тадбиркорлиги учун яратилган кўплаб имконият ва имтиёзларга қарамай, 2020 йилда аёлларнинг тадбиркорлик фаоллиги индекси(WBL) бўйича жаҳонда 139 ўринни эгаллади[16]. Чекланган ресурслар муаммоси тобора чигаллашиб бораётган бир замонда, 4 та муҳим ресурсдан 2 таси(ишчи кучи, тадбиркорлик қобилияти) кўплаб аёлларда аккумуляция бўлиб, иқтисодий учун наф келтирмаётганининг сабабини ўрганиб, бунга ечим бериш инсон қадрини улуғлаш тамойиллари кенг жорий қилинаётган бир даврда муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу йўналишдаги чора-тадбирлар аҳолининг турмуши яхшиланишига, гендер тенглиги таъминланишига ва албатта, тараққиётнинг жадаллашишига улкан ҳисса қўшади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикасининг «2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси»[1] да “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш” номли 69-мақсад таркибида “Хотин-қизларнинг тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш.....» вазифаси белгилаб берилди.

Аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга қўмаклашиш, гендер тафовутларни пасайтириш билан бирга, бир неча муҳим вазифаларни ҳал қилишга ҳам қўмаклашади. Биринчидан, аёллар ресурсларни бошқариш имкониятини олишади, бу эса анъанавий тарзда, ўзлари ҳамда фарзандлари учун, соғлиқни сақлаш, таълим ва овқатланишларига ижобий таъсир кўрсатади. Иккинчидан, аёлларнинг иқтисодий фаоллиги, уларни даромад юқори бўлган соҳаларга жалб қилиш даражаси ошади. Учинчидан, ёмон меҳнат шароитлари, мавҳум истиқбол ва кафолатланмаган бандлик билан ажралиб турадиган норасмий сектор (ҳозирда 50-74%[17])нинг кенгайиш даражаси пасаяди.

Аёллар тадбиркорлиги бутун дунё бўйича энг фаол ўсаётган тадбиркорларнинг салмоқли қисмини ташкил этади. Ҳозирда дунёдаги 32,9% фирмалар эгаллигида аёллар

иштирок этмоқда. Бу кўрсаткич Хитойда 64,2%, Ирландияда 54,9% ни, Ўзбекистонда эса 29,2% ни ташкил этади[18,19]. Иқтисодий ривожланишининг ҳозирги босқичида аёлларнинг тадбиркорлик фаолиятидаги иштироки Америкалик нуфузли тадқиқотчилар Р.Петерсон ва К.Вермеерлар томонидан “жаҳон миқёсидаги сокин инқилоб” дея баҳоланмоқда[14; 18-б]. Аслида ҳам кўп йиллар давомида аёллар аҳолининг ўзига хос қатлами сифатида ўзларидаги юқори ишбилармонлик салоҳияти билан оилалардаги молиявий масалаларга муносиб масъул бўлиб келаётгани мазкур фаразни тасдиқлайди. Мазкур илмий ишда Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш механизми ўрганилиб уни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Мамлакатимизда айти пайтга қадар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик С.Ғуломов, Ф.Эгамбердиев, М.Қосимова, Т.Дўстжанов, У.Гафуров каби олимлар[2, 3, 4] томонидан ҳар тарафлама ўрганилган бўлсада, аёлларга тегишли бизнеснинг ривожланиш муаммолари тўғрисида қатор тадқиқотлар олиб бориш зарурати ҳали ҳануз мавжуд.

Хорижда аёллар тадбиркорлигини ташкил этиш ва ривожлантириш, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш усуллари ва тамойиллари С.Ҳенри, В.Ядаув, Э.Швартс, Р.Д.Ҳисрич, К.Г. Браш, Г.А. Ҳомадай, Л.Фосс, Р.Гоффи, Р.Скейс, А.Бруни, С.Гҳерарди, Б.Поггио ва бошқалар томонидан ҳам ижтимоий ҳам иқтисодий жиҳатдан кенг ўрганиб келинмоқда[5, 6, 7]. Олимлар фикрича, тадбиркор аёллар — бу тадбиркорлик фаолияти ҳақида қайғурадиган, унинг ташаббускори бўлган, ишлаб чиқариш омилларини ташкил этадиган ва бирлаштирадиган, корхонани бошқарадиган ва бизнесни юритиш билан боғлиқ таваккалчилик ва иқтисодий ноаниқликни ўз зиммасига оладиган аёллардир[8; 171-б]. АҚШлик олим Р.Л.Аринсон ўзининг тадқиқотида аёллар одатда эркекларга қараганда фаолият давомийлиги қисқароқ бўлишини қайд этди. Табиийки, бу ҳолат аёлларнинг уй ишлари ва оилавий масъулиятлари натижаси, шунингдек, баъзи ҳолларда аёлларда ишлаш хоҳиши йўқ бўлиш эҳтимоли билан боғлиқ, деган гипотезани илгари сурмоқдамиз.

Бошқа бир гуруҳ олимлар эса уларнинг турли соҳаларда ўзларини синаб кўришга мойилликларини аниқладилар[9]. Яъни, хотин-қизларнинг иш фаолияти эркекларга қараганда ўзгарувчан бўлиши аниқланди. Шунингдек, аёлларнинг бизнесни бошлашга қизиқишлари маданий омиллар ва дискриминация туфайли эркеклардан фарқ қилиши мумкин. Бундан ташқари, С.Каназаша мақоласида аёлларнинг эркекларга нисбатан ўз-ўзини банд қилишни кўпроқ афзал кўришини исботлади[10; 269-287-б]. Ўзбекистондаги ҳолат ҳам бунга мисол бўла олади: 2021 йилда жами банд аёлларнинг 49,2 фоизи, эркекларнинг эса 39,4 фоизи ўз-ўзини банд қилганлар сирасига кирди[19].

Тадбиркорлик бўйича тадқиқот олиб боровчилар аёл тадбиркорларнинг иштироки ва ижро кўрсаткичларидаги фарқларга кўп йиллар давомида қизиқиб келишган. Кембриж университети олими Паркер қайд этишича, баъзи мустасно давлатлар бўлсада, деярли барча ривожланган мамлакатларда эркекларнинг аёлларга нисбатан кўпроқ улуши тадбиркорлик билан шуғулланади[11]. Ушбу фарқли жиҳатни, яъни, тадбиркорлик билан шуғулланишдаги гендер тафовутларини тушунтириш учун олим Минити[13; 62-б] томонидан салмоқли илмий тадқиқот ишлари олиб борилди. Уларнинг хулосаларига кўра, тадбиркорликда аёллар улушининг нисбатан камлиги

уларнинг оила ва жамиятдаги ижтимоий роллари натижасида шаклланади ва турли хил чекловлар, айниқса, молиялаштириш манбаларига тўсиқлар борлиги билан изоҳланади.

Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш аёлларга ўз бизнесини ташкил қилишда уларга енгилликлар берилишини назарда тутати. Мана шундай қўллаб-қувватлашнинг воситалари сифатида микрокредитлар бериш (Франция, Испания), таълим (Венгрия), ижтимоий суғурталаш жамғармасига бўладиган ажратмаларнинг пасайиши (Испания) кабиларни айтиш мумкин[15]. Мақолани ёзишда белгиланган вазифаларни ҳал қилишда аёллар тадбиркорлигига оид назарий қарашлар ва мавжуд қонунчилик ўрганилиб, мазкур тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича амалиётда мавжуд усуллар таҳлил этилди. Маълумотларни ўрганиш ва қайта ишлаш методологияси сифатида гуруҳлаш, комплекс баҳолаш, мантиқий, тизимли ва таққослама таҳлил, анализ ва синтез, статистик таҳлил, омилли ва танлама кузатув каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Муҳокама. Ўзбекистон давлати нисбатан ёш мамлакатлардаги каби аксарият ислохотларда доминант сифатида намоён бўлади. Жумладан, мамлакатдаги аёлларнинг иқтисодий фаоллигини ошириш ва тадбиркорликка жалб қилиш ҳам ҳукуматнинг эътибори орқали ривожланишга қодир бўлган истиқболли йўналишдир. Бу борада юртимизда ўзига хос тажриба мавжуд бўлиб, йиллар давомида аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда давлатнинг муҳим иштирокини ифодаловчи механизм шаклланган(1-расм). Давлат иштирокининг асосий мақсади кичик бизнесда аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга кўмаклашувчи ташкилий, ижтимоий-иқтисодий, техник-технологик ва инновацион шарт-шароитларни шакллантириш бўлиб, бу ўз навбатида мазкур ҳудуддаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва аҳоли фаровонлигини оширишга ёрдам беради.

Ташқи омиллар						
Стратегия		Ижтимоий-иқтисодий сиёсат		Қонунчилик		
Давлатнинг қўллаб-қувватлаш тизими: -Президент -Ҳокимият -Сенат -Вазирликлар -идоралар ва ҳ.к.				Аёллар тадбиркорлиги таркиби: -аёллар раҳбарлигидаги юридик шахслар -аёл ЯТТ -ўзини-ўзи банд қилган аёллар -норасмий тадбиркор аёллар		
Мақсад	Вазифа	Ҳамойил	Услуб	Ресурс	Дастаклар	
Қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва аҳоли фаровонлигини ошириш	Белгиланган мақсад йўлида чоратадбирларни амалга ошириш	Гендер тенглиги таъминлаш; Ваколатларнинг чекланганлиги; Масъулиятлилик; Самарали қўллаб-қувватлаш; Очиқлик	Маъмурий; Молиявий; Солиқ	Табиий-ҳомашё; Ишлаб чиқариш; Меҳнат р; Илмий-техник	Субсидия; Грант; Имтиёзли кредит; Лизинг; Давлат харидлари	
Мотивацион механизм		Фаолият юритиш шарт-шароитлари		Бизнесдаги хусусиятлар		
Ички омиллар						

1-расм. Ўзбекистонда давлатнинг аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш механизми

Мазкур механизм кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик(КБХТ)да аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш давлат сиёсатини ишлаб чиқади, бу борадаги устувор йўналишларни белгилайди ва тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга оширади.

Ўзбекистонда давлатнинг аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш механизидан ўрин олган методларга тўхталиб ўтсак, уларнинг бевосита ва билвосита таъсир кўрсатишини ажратиш мумкин. Асосий услублар эса маъмурий, молиявий ва солиқ сиёсати орқали бўлади. Табиийки давлат кўпроқ иқтисодий услубларга, яъни молиялаштириш ва кредитлашга устуворлик беради. Аслида ҳам, олимлар исботлаганидек, аёллар молиялаштириш манбаларига нисбатан қийинчилик билан эришишларини инобатга олсак, бу ёндашувнинг ҳозирги ҳолатда мақбул ечим эканлигини айтиш мумкин. Молиялаштириш услубининг дастакларидан энг кенг тарқалгани субсидиялаш бўлиб, асосан, кам таъминланган, ишсиз ёки ногиронлиги бор хотин-қизлар учун тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, шунингдек, ижтимоий тадбиркорликни ривожлантириш каби йўналишларга қаратилган. Ундан ташқари, инновацион тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш учун грантлар ажратиш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган темир дафтарга тушган аёллар учун устувор йўналишларга кредитлар бўйича фоиз ставкаларини субсидиялаш, лизингни ривожлантириш, бизнес-инкубаторлар, технопарклар яратиш ва қўллаб-қувватлаш ва бошқалар ҳам мамлакатимизда қўлланилаётган аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш услубларига киради.

Вазиятга реал қараган ҳолда амалга оширилган ишлар билан бирга шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, хотин-қизлар тадбиркорлиги масалаларида, хусусан уларни касбга ёки тадбиркорликка ўқитиш, кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлигини бошлаган аёлларга товар ва хизматларни реализация қилишда кўмаклашиш орқали уларни даромад олиш даражасига олиб чиқиш каби масалаларни мувофиқлаштириб бориш бўйича яхлит тизим яратилмаган.... Шу билан бирга жойларда тадбиркорлик фаолиятини бошлаган хотин-қизларга маҳсулот ва хизматларни бозорга олиб чиқишда муайян тўсиқлар мавжуд. Бунга сабаб, бизнингча, механизмнинг қуйидаги камчиликлари мавжуддигидир:

Биринчидан, Ўзбекистондаги аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватловчи тузилмалар таркибида давлат ва нодавлат ташкилотлар, бирлашма, агентлик кабилар мавжуд. Аммо ўз-ўзини тартибга солувчи тузилма функционал жиҳатдан тўлақонли ишламаяпти. Ҳозирда дунё мамлакатларида хусусий ташаббуслар орқали тузилаётган маълум бир ижтимоий мақсадни олдига қўйган ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотлар катта муваффақият қозонмоқда. Ўзбекистонда ҳам бир қатор шу каби тузилмалар мавжуд. Масалан, “Тадбиркор аёл” ишбилармон аёллар ассоциацияси, “Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари” кабиларни санаб ўтиш мумкин. Ушбу ташкилотларни ташкил этишда тадбиркор аёллар манфаатларини ҳимоя қилиш, ўқув-семинарлар ўтказиш, тадбиркор аёллар йиғилишларини ташкил этиш ва ўтказиш, мамлакатда тадбиркор аёлларнинг ижобий имиджини шакллантириш, шунингдек, давлат миқёсида тадбиркор аёллар манфаатларини ифодалаш каби мақсадлар қўйилган. Шунга қарамай, улар ўз функцияларини тўлиқ бажармаяптилар, чунки улар ўртасида умумий мақсадга эришишга қаратилган алоқа ва ўзаро уйғунлик деярли йўқ.

Демак, аёллар эгалик қиладиган кичик бизнес субъектларининг ўзини ўзи тартибга солиш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш муҳим шарт бўлиб, бу нафақат бизнес учун, балки давлат учун ҳам манфаатлидир. Сабаби бу тизим ишлаб кетиши натижасида давлатнинг тармоқ назорати бўйича баъзи масъулиятларини ва ваколатларини хусусий ташаббусларга, яъни тадбиркорлик субъектларига ўтказилиши мумкин.

Иккинчидан, давлатнинг кичик бизнес субъектларини назорат қилувчи тузилмаларининг меъёридан ортиқлиги, шунингдек, иккиламчи функцияси аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўлган давлат идораларининг кўплиги. Давлатнинг бизнес субъектларини назорат қилувчи кўплаб тузилмалари фаолиятини қайта кўриб чиқиб, КБТни назорат қилишни комплекс ёндашувчи тор доирадаги тузилмалар ваколати сифатида жорий қилиш зарур. Иккиламчи функцияси аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўлган давлат идоралари эса бу масалага етарлича эътибор қилолмаслигини ҳисобга олиш зарур. Чунки ҳар қандай йўналишда юклатилган вазифаларга масъул ташкилотнинг аниқлиги ва кам сонлилиги уларнинг янада чуқур ва масъулият билан вазифа бажаришини таъминлайди. Бу муаммони ҳал қилишда юқорида айтилган аёллар тадбиркорлиги бўйича ўз-ўзини назорат қилувчи тузилмани қайта кўриб чиқиб, комплекс тарзда жорий қилиниши муаммоларни ҳал этишда давлат томонидан кўмакка муҳтожликни камайтиради.

Учинчидан, Ўзбекистонда давлатнинг аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш механизми таркибидаги дастакларнинг самарадорлигини баҳолаш назарда тутилмаган, субсидия ёки имтиёзли кредит каби дастаклар олдиндан белгиланган қамров бўйича марказий буйруқ асосида анализ қилинмасдан жорий этилади. Шу ўринда имтиёзларни ўринли жорий қилишнинг аҳамиятини ҳам айтиб ўтиш зарур. Иқтисодиётда “Текинга ҳеч нарса йўқ” (No free lunch) деган ғоя бўлиб, у қайсидир нарсага имтиёз бериш, бошқа бир нарсанинг қийинлашишига, ёки ниманидир субсидиялаб арзонлаштириш бошқа бирликни нархини қимматлашишига олиб келади. Имтиёзли кредитлар сиёсати эса ҳамма учун пулни нархини қиммат қилиб қўйиши мумкин, яъни муҳтож қатламга кредит беришни рағбатлантириш ва уларнинг бир қисмини давлат субсидияси ҳисобидан қопланишининг оғирлиги аслида бутун аҳолига, жумладан нархнаво ўзгаришларига сезгир бўлган паст даромадлиларга бориб тақалади. Шунингдек, кредит беришга давлат аралашуви молия институтларининг ҳар бир кредит бўйича рискларни баҳолаш натижасида эмас, маълум бир дастур асосида қарор қабул қилишига ва натижада маблағларнинг самарали фойдаланилмай, давлат ҳам кредитор ҳам зарар қилишига олиб келиши мумкин. Демак, давлатнинг имтиёз сиёсати чуқур ўйлаб, ҳисоб-китоб қилинган ҳолда эҳтиёткорлик билан жорий қилишни талаб этади.

Натижалар. Аввал айтганимиздек, мамлакат иқтисодиётида аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришнинг ижтимоий жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, улар доимо маълум миқдорда қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлади. Бу қўллаб-қувватлаш нафақат давлат балки нодавлат ташкилотлар ёки бирлашмалар томонидан амалга оширилиши мумкин. Ўзбекистонда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш механизмининг 1-расмда кўриб чиқдик. Мазкур механизмдаги биз такомиллаштирмоқчи бўлган қисми ўзини ўзи тартибга солувчи бўғинларни фаолиятини такомиллаштириш

ва давлат назорати билан ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаштиришдир. Бу ислохот детцентрализация принципининг бир кўринишини ҳам ифодалайди.

Аслида ўзини ўзи тартибга солувчи бўғинлар ўзига хос ривожланиш динамикасига ва юқори самарадорликка эга бўлиб, ўзини ўзи тартибга солувчи тизимнинг ўз ўрнида жорий қилиниши, тадбиркорликни қўллаб қувватловчи умумий механизмнинг янада яхши натижа беришига кўмаклашади.

Россиялик олим айтганидек, ўзини ўзи тартибга солиш деганда бир гуруҳ тадбиркор ёки мутахассис томонидан амалга оширилган мустақил ва ташаббускор фаолият тушунилади[12]. Иқтисодиётда ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотлар кўпинча ишлаб чиқариш(хизмат кўрсатиш)нинг маълум бир йўналишида бирлашган тадбиркорлар томонидан тузилади. Бундай бирликлар вужудга келишининг асосий ғояси – бу тадбиркорлар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича муайян функцияларни давлатдан бозор иштирокчиларига ўтказишдир. Натижада, жаҳонда кузатилаётганидек, бюджет харажатлари камаяди ва фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш каби баъзи ташкилий овозагарчиликлар оптималлашади ёки босқичма-босқич бекор қилинади.

Бизнингча, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда давлат ва ўзини ўзи тартибга солувчи тизим ўртасида ўзаро яқин алоқа ўрнатилиши керак. Умумий механизм тамойиллар, ресурслар, услублар ва дастаклар каби элементлардан иборатлигини ҳисобга олсак, давлат тартибга солиши ва ўзини ўзи тартибга солиш тизимида ушбу элементлар ўзаро узвий алоқага эга умумий ва фарқли қисмларга бўлиниши мумкин(-расм).

ДАВЛАТ ТАРТИБГА СОЛИШИ	ўзаро таъсир	ЎЗ-ЎЗИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ (ЎТС)
махсус	умумий	махсус
ТАМОЙИЛ		
Гендер тенглигини таъминлаш; Ваколатларнинг чекланганлиги; Масъулиятлилик;	Самарали қўллаб-қувватлаш Очиқлик	Долзарблик Ташаббускорлик Ижтимоий масъуллик Мустақиллик Ўз-ўзини назорат қилиш
РЕСУРС		
Табиий-ҳомашё; Илмий-техник	Ишлаб чиқариш; Меҳнат р; Молиявий	Информацион
УСЛУБ		
Маъмурий Солиқ	Молиявий; Кредитлаш Суғурталаш	Ташкилий;
ДАСТАКЛАР		
Субсидия, субвенция; Грант; Имтиёзли кредит; Лизинг; Давлат харидлари	Акция Фючерс Суғурта rischi	Компенсация фонди Ташкилий қоидалар ва нормативлар Ахборот таъминоти

2-расм. КБТда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда давлат ва ўзини ўзи тартибга солувчи тизимнинг умумий ва фарқли элементлари

Энди аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашда ўзини ўзи тартибга солиш тизимининг аҳамияти ва таркибий элементларига батафсил тўхталиб ўтамиз. Аввал

кўриб чиққан миздек давлат аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда гендер тенглигини таъминлаш, ваколатларнинг чекланганлиги, масъулиятлилик, самарали қўллаб-қувватлаш ва очиқлик тамойилларига амал қилади. Фикримизча, самарали қўллаб-қувватлаш ва очиқлик тамойиллари ўзини ўзи тартибга солишга ҳам тегишли бўлиб, бундан ташқари, тадбиркорлик муносабатларини ўрнатиш ва ривожлантиришга асос бўлувчи ташаббускорлик, ижтимоий масъуллик, мустақиллик ва ўз-ўзини назорат қилиш тамойилларини ҳам хос тамойиллар сифатида киритиш мумкин. Ўзини ўзи тартибга солишда долзарблик принципи унинг замонавий бозор талабларига жавоб бера олишини билдиради. Ташаббускорлик тамойили эса тадбиркор аёлларни тегишли ноижорат ташкилотларга ўз ташаббуслари билан мурожаат қилиш имконияти мавжудлигини англатади. Шунингдек, ўзини ўзи тартибга солиш жамият олдида масъуллик билан бирга давлатдан мустақиллик ва ўзини-ўзи назорат қилиш тамойилларига ҳам амал қилишини белгилаб қўйиш зарур.

Ресурслар бўйича ҳам давлат тартибга солиши ва ўз-ўзини тартибга солиш умумий ва хусусий ресурсларга эга. Бунда ўзини ўзи тартибга солиш тизими информацион ресурсларга эгаллиги билан ажралиб туради. Мазкур тизим турли хил интернет сайтлари ёки блоглар яратиш, аёллар раҳбарлигидаги кичик бизнесни ривожлантириш бўйича ўз газета ва журналларини чоп этиш ва ҳоказолар орқали тадбиркор аёлларни ахборот билан таъминлаш тизимини самарали ташкил эта олади. Ҳозирги ахборот иқтисодиёти даврида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, айниқса хотин-қизларда молиявий ва ҳуқуқий онгни ўстириш долзарблиги ўз-ўзини тартибга солишга заруратни янада оширади. Шунингдек, ишлаб чиқариш ресурслари, меҳнат ресурслари ва молиявий ресурсларни ҳар икки механизм орқали тасарруф қилишга тенг имконият мавжуд.

Давлат томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришда қўлланиладиган методлар ҳақида юқорида тўхталиб ўтган эдик. Ўз-ўзини тартибга солишда асосий фарқ ташкилий метод мавжудлигида бўлиб, у асосан кичик бизнес субъектларининг хўжалик фаолияти самарадорлигини таъминлаш, ташкилотларда бизнес жараёнларини тартибга солиш, тадбиркорлик субъектлари ўртасида ташкилий алоқаларни ўрнатишга кўмаклашади. Мазкур усулнинг дастаклари ўзини-ўзи тартибга солувчи ташкилотларга аъзолик, аъзоларнинг жавобгарликлари, ўзаро муносабатлар тартиби каби ташкилий регламентларни ишлаб чиқиш бўлиши мумкин. Умумий методлардан молиявий метод асосан давлатнинг банк-молия тизими орқали қўлланилади, шу билан бирга нодавлат тузилмалар ҳам аёллар тадбиркорлигини молиялаштиришда кўмаклашишни йўлга қўйиши мумкин. Бунда турли хил инструментлардан фойдаланилади. Масалан, Ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар қонун ҳужжатларига мувофиқ хусусий ва жамоавий суғурта тизимларини яратиш, шунингдек, бизнес юритиш билан боғлиқ таваккалчиликни сезиларли даражада камайтирадиган компенсация фондини шакллантириш имкониятларини айтиш мумкин. Бу каби фондлар айниқса инновациялар жорий қилаётган тадбиркорлик субъектларига қўл келиб, молиявий рискларни камайтиради ва инновацион фаолият ривожланишига туртки бўлади. Акция ва фьючерс каби ҳам давлат, ҳам ўз-ўзини тартибга солувчи ташкилотлар қўллаши мумкин бўлган дастаклар бизнесга молиявий ресурсларни жалб қилишга ҳамда фаолият

жадаллашишига кўмаклашади. Фьючерслар асосан мавсумий фаолият юритадиган бизнеслар учун муҳим бўлиб, бизнесдаги рискларни камайтириб беради.

Ўзбекистонда ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотлар тузишнинг баъзи бир жиҳатлари қонунчиликда мавжуд бўлиб, улар асосан нотижорат ташкилотлар тузиш ҳақидаги қонунларда акс этган. Фуқаролик кодекси ва “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонун бу масаладаги фундаментал қонунчиликка мисол бўлади. 1999 йилда қабул қилинган “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги ЎЗР қонуни нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, жумладан ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотларни ташкил этиш тартибини белгилаган бўлса, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун эса ННТлар фаолиятининг кафолатлари, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши белгилаб қўйилган[20]. Афсуски, мавжуд қонунчилик ЎТС тизимини тўлақонли ривожлантиришни таъминлай олмайди. Ҳозирда бу борада алоҳида қонунга эҳтиёж мавжуд.

Хулоса. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш ва қўллаб қувватлаш масаласи бутун дунёда ҳам Ўзбекистонда ҳам энг долзарб масалалардан бири саналади. Мазкур тадқиқотда мамлакатимизда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш тизими атрофлича ўрганилди ва қуйидаги муаммолар аниқланди:

– Ўзбекистондаги аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватловчи тузилмалар таркибидаги нодавлат ташкилотлар, бирлашма, агентлик каби ўз-ўзини тартибга солувчи тузилмалар функционал жиҳатдан тўлақонли ишламаслиги;

– давлатнинг кичик бизнес субъектларини назорат қилувчи тузилмаларининг меъёридан ортиқлиги, шунингдек, иккиламчи функцияси аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўлган давлат идораларининг кўплиги;

– Ўзбекистонда давлатнинг аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш механизми таркибидаги дастакларнинг самарадорлигини баҳолаш назарда тутилмаганлиги.

Ўзбекистондаги аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватловчи механизмдаги биз такомиллаштирмоқчи бўлган қисми ўзини ўзи тартибга солувчи бўғинлар фаолиятини такомиллаштириш бўлиб, бу ислоҳот детцентрализация принципининг бир кўринишини ҳам ифодалайди. Шунингдек, давлат назорати билан ўзини ўзи тартибга солувчи тизимнинг амал қилиш тамойиллари, мавжуд ресурслари, қўлланиладиган услублар ва дастаклар бўйича умумий ва фарқли жиҳатлари мавжудлиги аниқланди. Ҳозирги ахборот иқтисодиёти даврида тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, айниқса хотин-қизларда молиявий ва ҳуқуқий онгни, янгиликларга тез мослашувчанликни ўстириш зарурати ўз-ўзини тартибга солувчи тузилмалар долзарблигини янада оширмоқда.

Аслида ўзини ўзи тартибга солувчи бўғинлар ўзига хос ривожланиш динамикасига ва юқори самарадорликка эга бўлиб, ўзини ўзи тартибга солувчи тизимнинг ўз ўрнида жорий қилиниши, тадбиркорликни қўллаб қувватловчи умумий механизмнинг янада яхши натижа беришига кўмаклашади. Ўзбекистондаги мавжуд қонунчиликда бундай тузилмаларнинг ҳуқуқий асоси маълум маънода яратилиб бошланган, аммо ҳозирда бу борада алоҳида қонунга эҳтиёж мавжуд. Шунингдек, аҳолининг ижтимоий масъулияти ошиши ва ҳукумат томонидан хусусий

ташаббусларни қўллаб-қувватлаш натижасида ўз-ўзини тартибга солувчи тузилмалар сони ва сифати яхшиланади ва пировардида аёллар тадбиркорлиги янада ривожланади.

Adabiyotlar/Литература/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон// <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Гулямов С.С., Догиль Л.Ф., Семенов Д. Предпринимательство и малый бизнес. - Т.: ТГЭУ, 1996. с.19-33.;
3. Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш.: иқт.фан.док.дисс. - Т. ЎЗБМА. 2017. — 274 б.;
4. Мурадова Н.Қ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш. иқт.фан.док.дисс. автореферати. Т.2016
5. Henry, C., Foss, L., & Ahl, H. (2016). Gender and entrepreneurship research: A review of methodological approaches. *International Small Business Journal*, 34(3), 217–241;
6. Yadav, V., & Unni, J. (2016). Women entrepreneurship: research review and future directions. *Journal of Global Entrepreneurship Research*, 6, 1-18.;
7. Foss, L., Henry, C., Ahl, H., & Mikalsen, G. H. (2019). Women’s entrepreneurship policy research: a 30-year review of the evidence. *Small Business Economics*, 53, 409-429.
8. N.V.R. Naidu(2013) Management and Entrepreneurship book published by I.K. International Publishing House Pvt. Limited, 171p.
9. Allen, E., Langowitz, N. and Minniti, M. (2007) The 2006 Global Entrepreneurship Monitor Special Topic Report: Women in Entrepreneurship. Center for Women Leadership, Babson College. Babson Park, MA
10. Kanazawa, S. (2005) Is ‘discrimination’ necessary to explain the sex gap in earnings? *Journal of Economic Psychology* 26(2): 269–287.
11. Parker, S. C. (2009). The economics of entrepreneurship. Cambridge, MA: Cambridge University Press
12. Мартенс А.А. Перспективы развития саморегулирования на финансовом рынке России. Журнал “Проблемы учета и финансов” 2015
13. Minniti, M. (2009). Gender issues in entrepreneurship. *Foundations and Trends in Entrepreneurship*, 5(7–8), 497–62
14. Уткина Н.Ю. Объективные и субъективные факторы развития женского предпринимательства в России // Женщина в российском обществе. 2017. № 1 (82). С. 18
15. Бандликнинг самарали сиёсати: аёлларнинг меҳнат қилиш имкониятларини амалга ошириш. Таҳлилий маъруза/ ўзбекча таҳрири. URL: https://www.undp.org/content/dam/uzbekistan/docs/Publications/IJN-Publications/PB_gender_employment/un_uzb_PB_gender_employment_uzb.pdf
16. World Bank. 2020. Women, Business and the Law 2020. Washington, DC: World Bank. © World Bank. <https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/32639> License: CC BY 3.0 IGO.
17. www.ilo.org
18. <https://genderdata.worldbank.org/topics/entrepreneurship>

SCIENCEPROBLEMS.UZ

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

№ 8 (3)-2023

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамияти

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:

(99) 602-09-84 (telegram).